



УШБУ СОНДА:



САЙЛОВЛАРДА
ЖАМОАТЧИЛИК
НАЗОРАТИНИ

**КИМ
ЎРНАТАДИ?**

ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН
ВОЗ КЕЧИШ

ДАВРИ...



**“ЛАББАЙ”
ҚАБИЛИДА
ЁЗИЛГАН
АСАРЛАР**

уларни
ҳеч ким
ўқимайди ва
эсламайди



“Inkuzart” телеграм каналидан олинган расм. Изоҳ ўзингиздан...



**“БУРЧ-МУРЧИНГНИ
ЙИҒИШТИР,
ИМКОН БОРИЧА ЮЛИБ ҚОЛ”**

ёхуд
“озод
қилувчи
ҳақиқат-
лар”



ХАЛҚ ИШОНЧНИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ТАФАККУР ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Тафаккур — инсон ақл-заковати, унинг воқеа-ҳодисалар ичида адашиб кетмаслиги учун йўл кўрсатувчи машғала. Шу сабабли, юртимиздаги ҳар бир инсоннинг, айниқса, ёшлар онгу тафаккурини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Тафаккурни шакллантириш орқали эса инсон ўзини англайди. Бу жараёнда мустақиллик тафаккурини шакллантириш, дунёга янгича ёндошув, теран ақл ва тафаккур кучи билан воқеа ва ҳодисаларни баҳолай оладиган, масъулият ҳиссини чуқур англаб, лоқайдлик ва бефарқликка қарши тура оладиган ёш авлод тарбияси ушбу муаммони ҳал этишнинг муҳим омилidir.

Шубҳасиз, бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилаётган маънавий-мафкуравий, ахлоқий-тарбиявий ишларимиз ўз самарасини бераётир. Айниқса, кенг жамоатчилик орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илк бор “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига жавобларини аниқ-равшан баён қилиш орқали ғоявий эътиқодни ва мафкуравий собитликни шакллантиришда муҳим вазифа ўтаётганини кўришимиз мумкин. Давлатимиз раҳбари интервьюда тўхталганидек, барча ислоҳотлар халқимиз фаровонлиги ва уларнинг муносиб турмуш шароитини яратиш учун хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.



ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҒИ!

Экспортёр корхоналарга 5 миллион АҚШ долларигача бир марталик молиявий ресурслар тақдим этилади.



САЙЛОВЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КИМ ЎРНАТАДИ?

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, хусусан, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг янада очиқлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига кўра давлат жамоат бирлашмаларининг манфаатларини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Бу борада, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг демократик жараёнлардаги иштирокини ҳуқуқий таъминлаш уларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг ғоят муҳим шартини ҳисобланади.

Жорий йилда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ҳамда “2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон шу йўлда қўйилган аҳамиятли қадамлардан бири бўлди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти институтлари билан бир қаторда ҳар бир фуқаро мамлакатимизда сўнгги йилда амалга ошириладиган демократик янгиланишларда фаол иштирок этмоқда. Бу фуқароларнинг ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали таклиф ва мулоҳазалари билан бир қаторда танқидий фикрларини баралла билдираётганликлари ҳам кўринади.

Бугунги кунда фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича юритилаётган сиёсатнинг асосий мақсади — инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гуруҳ, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир.

Сайловчи деганда, энг аввало, овоз бериш жараёнида иштирок этувчи, яъни бюллетенга яширин равишда овоз берувчи шахсни тасаввур қиламиз. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида ва бошқа норматив ҳужжатларида

сайловчининг айнан сайлов ҳуқуқи билан боғлиқ ҳуқуқлари доираси анча кенг белгиланган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- сайлов жараёнида овоз бериш, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи;

- номзод кўрсатишни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплаш ёки имзо варақасига имзо қўйиш орқали номзодни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқи;

- молиявий харажат талаб қилмайдиган усуллар билан сайловда ташвиқотини олиб бориш ҳуқуқи;

- сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиси (кузатувчи, ваколат-

қонун ҳужжатларига асосан, мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг сайловларда фаол иштироки бўйича етарли асос ва имкониятлар яратилган. Ушбу имкониятларни билиш ва улардан кенг фойдаланиш, нафақат сайловларнинг демократик руҳда ўтишига, балки мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланишига ҳам туртки бўлади.

Айни пайтда катта сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтадиган кун — 24 октябрь санаси ҳам тобора яқинлашмоқда.

Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари халқаро нормалар ҳамда демократик принципларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексининг қабул қилиниши ва унда халқаро норма ва стандартларга мос равишда нодавлат нотижорат

ва ўтказишдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигига мисол сифатида айтиш мумкин.

Мазкур кодексга асосан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин. Бугун мамлакатимизда демократик институт сифатида шаклланган маҳалла институти вакиллари муддатидан олдин овоз бериш, овоз бериш куни сайлов участкасининг очилиш ва сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш жараёнларини кузатиб бориши мумкинлиги миллий демократик институтнинг ўрнини янада оширади.

Шунингдек, ННТ сайловда ташвиқот ишларида, овоз бериш, сайлов натижаларини ҳисоблашда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи орқали сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконияти яратилади. Шу сабабли, мамлакатимизда сайлов жараёнларини ошкоралик, шаффофлик, ҳаққонийлик, холислик каби демократик принципларини амалга оширишда ННТ энг муҳим ўрин эгаллайди. ННТ ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга ошириб, сайлов участкасида ушбу кодекснинг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш лозим ҳисобланади.

Шунингдек, кодексга кўра Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи Эксперт гуруҳини тузиши мумкин. Эксперт гуруҳи таркибига давлат органлари қатори фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳам жалб этилиши жамоатчилик назорати сифатида жамоат бирлашмалари аъзоларининг манфаатлари ва эҳтиёжларини акс эттиришга асос бўлади.

Юқоридагиларнинг барчаси нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан сайлов жараёнлари устидан таъсирчан жамоатчилик назорати ва сайловларда фаол иштирок этиши орқали мамлакатимизда давлат бошқарувида очиқлик ва ошкораликни янада мустаҳкамлашида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Сарвар МАМАНОВ,
Фотех РАХМАТОВ,
ЎзННТМА мутахассислари**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин. Бугун мамлакатимизда демократик институт сифатида шаклланган маҳалла институти вакиллари муддатидан олдин овоз бериш, овоз бериш куни сайлов участкасининг очилиш ва сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш жараёнларини кузатиб бориши мумкинлиги миллий демократик институтнинг ўрнини янада оширади.

ли вакил, ишончли вакил, комиссия аъзоси ва ҳ.з.) мақомига эга бўлиш ҳуқуқи;

- сайлов участкасида, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида шакллантирилган ўзига оид маълумотлар билан танишиш ҳуқуқи;

- сайлов комиссияларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқи;

- ўзининг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, ўзига тегишли сайлов ҳуқуқларини камситувчи қарорлар ёки ҳаракатлар, шу жумладан овоз бериш натижалари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи.

Демократик сайловларни фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар сайловларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг сайловлардаги иштирокини аниқ белгилаб берганлиги билан ҳам эътиборлидир. Жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларига жамоат бирлашмалари ва ташкилотларнинг вакиллари ҳам таклиф этилади. Жамоат бирлашмалари ўз аъзоларининг хоҳиш-иродаларини эркин билдириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси йиғилишларида иштирок этишини сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлиги сифатида эътироф этиш мумкин.

Шу билан бирга, участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан кўрсатилишини давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сайловларни ташкил этиш



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Айтиш мумкинки, мазкур суҳбатда “Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”, деб таъкидлаши бугунги ва яқин келажакдаги маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларимизни йўналишларини белгиламоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ёшларимизнинг маънавий — ахлоқий турмуш тарзининг камолот даражаси бевосита аждодлар маданий меросини чуқур ўрганиш, фалсафий мушоҳада қилиш ва ундан ижодий фойдалана олиш қобилияти билан аниқланади. Суҳбат мобайнида билдирилган “...ўтган асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз “жадидчилик”, яъни янгиланиш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш гоёларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққанларини барчамиз яхши биламиз. Бу улуг зотларнинг мақсади — жаҳолат ва қолоқлик гирдобиди қолиб келаётган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илғор касб-хунарлар билан қуролантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат эди”, деган фикрлари мустақиллик йўлида эзгу мақсадларимиз ифодаси ҳамда таянчи бўлган ёш авлод тарбиясида ибрат мактаби бўлади.

Қайсики, Янги Ўзбекистонни барпо этиш — яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш кераклиги Президентимиз томонидан устувор вазифа этиб белгиланмоқда. Суҳбатда таъкидлаганидек, “...ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтарди...”.

Дунёнинг чегараси бўлмагани сингари, инсон билими ва имкониятларига ҳам чегара қўйиб бўлмайди. Шу маънода, “... фарзандлари доимо излашни ва интилишда бўлган, юксак марраларни кўзлаб, олдинга қараб интиладиган халқ ва давлат ўз олдига қўйган мақсадларга албатта етади. Чунки, бундай ҳаракатлар эртага қудратли тўлқинга айланиб, ҳаётимизни бугун кечадиган, эртага бугунгидан яхши ва обод қилиш, онгу тафаккуримизни юксалтиришга олиб келади”. Бугун за-

ХАЛҚ ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ТАФАККУР ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

монавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажиги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола билладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш ниҳоятда долзарб масалалардан биридир. Дарҳақиқат, юртимизда дунёни янгича идрок этадиган, миллат гурури ва ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, ўз тақдирини халқи, Ватани тақдирини билан бир деб билиб, фаолият кўрсатаётган янги авлод шаклланимоқда. Улар ҳам аждодлар маънавий меросини, ҳам умумбашарий қадриятларни баробар ўзлаштирмоқдалар. Маънавият — инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғати ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир. Шу нуқтаи назардан, ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, юртимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш йўлида барча бирдек масъул бўлиши лозим.

Салоҳиятли кадрлар — Ўзбекистоннинг эртанги кунини, миллат келажигини белгилайди. Шу боис, замон талабларига жавоб берадиган юксак маданиятли, билимдон ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиши, ўз навбатида, “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қуриш йўлида бел боғлаган Янги Ўзбекистон учун бу жуда муҳимдир.

Бу жараёнда узлуксиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча босқичларини уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. “...Ҳозирги вақтда юртимизда “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган гоё асосида мактаб таълими тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида ва худудларимизда Президент мактаблари, ижод ва

тимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Самарқанд вилоятида халқ таълими тизимидаги 49 та таянч ва 9 та тажриба-синов мактабларида табиий фанларни чет тилида ўқитиш, узлуксиз таълим тизимининг кейинги узвий босқичи бўлган касб-хунар коллежларида чет тили таълимини янги сифат босқичига кўтариш борасида Самарқанд давлат чет тиллар институти жамоаси томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Оқдарё Педагогика коллежида ва Нарпай туманидаги 32-ўрта мактабда ҳамда қатор бошқа таълим марказларида СамДЧТИ ташаббуси билан ташкил этилган семинар ва конференцияларда ўрта мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларига чет тилларини ўқитишда амалий-услубий кўмак бериш, ўқитиш услублари ва мазмунига замонавий педагогик технологияларни жадал ва самарали татбиқ этиш, янги, халқаро стандартларга мос ўқув адабиётларини яратиш ва амалиётда қўллаш, ўрта махсус таълим тизими субъектлари учун нофилологик фанларни чет тилларда олиб борадиган етук мутахассисларни тайёрлаш каби долзарб масалалар муҳокама этилиб тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бу борада институтда ташкил этилган Тил ўргатиш маркази, ёш мутахассисларга методик ёрдам кўрсатувчи Касбий маҳорат мактаби, Компетенция мактаби, Ота-оналар учун чет тили курслари каби илмий-ўқув марказларнинг тажрибаси, айниқса, коллеж ва ўрта мактаб ўқитувчилари учун том маънода тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади. Албатта, таълим муассасаларида дарсларни самарали ташкил этишда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, етук кадрлар билан бир қаторда таълимга доир меъёрий ҳужжатлар,



Халқ ишончи ва эътиқодини мустаҳкамламоқ йўлида биз янгиланиш, тафаккур эркинлиги ва фикр мустақиллигига алоҳида эътиборни қаратишимиз зарур. Чунки танлаган йўлимизнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилиб, одамларимиз онгу шуурига ана шу қатъий ва ишонччи олиб кира олмас эканмиз, бошқа соҳаларда олиб бораётган ишларимиз, эришаётган муваффақиятларимиз ўзининг мустаҳкам заминига эга бўла олмайди. Бу йўлда “...биз жонажон Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз ва садоқатимизни муқаддас байроқ қилиб, бор билим ва тажрибамиз, ақл-заковатимизни ишга солиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизга албатта етамиз”. Биз жаҳон тараққиёти билан бирга одим ташлашни мақсад қилган эканмиз, мамлакат олдида турган амалий вазифаларни ҳал этишда кўп миллатли жамиятимизнинг хусусиятларини эътиборга олишимиз зарур. Бошқача қилиб айтганда, олға ҳаракатнинг белгилувчи омили бўлмиш миллатлараро иноқлик тажрибасини доимо назарда тутиб, шунга амал қилмоқ лозим бўлади.

Шу ўринда таъкидлашимиз керакки, Президентимизни “Неча-неча аждодларимиз орзу-ният қилиб ўтган мана шундай буюк ишларни амалга ошириш бугун бизга насиб этган экан, бу ўзликни англаган ҳар бир ватандошимиз учун чинакам бахт ва шараф эмасми?”, деган фикрлари бугунги кунда ислохотлар шиддат билан кетаётган юртда ишлаш ва яшаш янада ёқимли ва тотли эканлигини ҳис этасан киши. Қайсики, халқ манфаатлари устувор бўлган мамлакатда амалга оширилаётган янгиланган, ўзгаришлар киши қалбига катта куч, гурур ва ифтихор бағишлайди. Инсонни маънавий юксалишига, ҳар ўтаётган дақиқаларимиздан ҳикмат қидиришга даъват этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” мавзусидаги жавоблари барча юртдошларимизни ўз Ватани учун нима қилиши кераклигини англашига, Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланишига ўз ҳиссаларини қўшишига хизмат қилади.

Илҳом ТҶҲТАСИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

Салоҳиятли кадрлар — Ўзбекистоннинг эртанги кунини, миллат келажигини белгилайди. Шу боис, замон талабларига жавоб берадиган юксак маданиятли, билимдон ёшларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиши, ўз навбатида, “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қуриш йўлида бел боғлаган Янги Ўзбекистон учун жуда муҳимдир.

ихтисослашган мактаблар сони кўпайиб бормоқда” деган фикрлари ёшларга ҳар томонлама кенг йўл очиб бериш, эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш Президентимиз диққат марказида эканлиги эътиборимизни тортаётир. Бу йўлда катта ҳаётга катта орзулар билан кириб келаётган ёшлар учун тобора кўпроқ имкониятлар яратиш, уларнинг олий таълимга қамровини кенгайтириш, ўқиши, маънавиятининг тўғри шаклланиши, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш учун катта ишлар амалга оширилаётир.

Оддий бир мисол, юртимиз ёшларга берилаётган имкониятларни институ-

ўқув-методик таъминотнинг ўрни ҳам бениҳоят аҳамиятлидир. Ўқитишнинг замонавий методологиясини яратиш ва амалиётга жорий этиш, ўқувчиларнинг онгли равишда касб-хунар танлаш иштиёқини кучайтириш, дарсликларни яратишга бутунлай янгича ёндашиш каби долзарб вазифалар айнан шу мақсаддан келиб чиқилган ҳолда қўйилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, глобаллашув жараёнининг жадаллашуви ўқув дастурларимизни тубдан қайта кўриб чиқишни, кенг билимга эга бўлган, мантқиқий фикрлай оладиган ёшларни вояга етказишга хизмат қиладиган, такомиллашган меъёрий ҳужжатлар, янги педагогик технологияларни яратишни тақозо этмоқда.

Иккинчи мутахассислик учун ҳужжатлар 25 сентябрга қадар қабул қилинади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА ҲАҚИҚАТ!

“Қаноат бир хазинадурки, нақдинаси кундан кун ортар. Бу хазинага эга бўлган кишилар умрларини роҳатда кечирурлар. Бунинг ила баробар қаноатсизликдан пайдо бўладурган ҳасада деган жоннинг энг зўр душманидан пайдо қутулурлар. Чунки инсонлар кишининг молина, мулкина, саодатина, маишати ҳасада қилмас, қаноатдан айрилмас, умрни роҳатда ўтказур”, деган Абдулла Авлоний қаноат ва инсоф ҳақида. Азиз муштарий гапимни бекорга қаноат ва инсоф ҳақидаги тушунчалардан бошламадим. Ушбу мулоҳазаларга кейинги ўринларда тўхталамиз...

“Қалбни қобилий иллат эгалласа...”

Охирги вақтда юз бераётган баъзи юртдошларимиз билан боғлиқ кўнгилсизликлар, давлат ҳақида хиёнат қилиш ҳолатлари, коррупция, метрополитен йўлининг бир неча бор бузилиши ва бундан ташқари турли соҳада юз бераётган “жараён”лар медамизга тега бошлади. Қулогимиз эшитишга, кўзларим кўришга ўрганиб қолаётир. Мушоҳада қилишга уринамиз, аммо ҳеч бирини илдизига суриштиришга тоқатимиз етмайди гўё. Юқорида тилга олган иллатларга барҳам бериш учун ҳуқуқий муассасалар қанчалик фаоллик кўрсатмасин, қанча жазо кўрилмасин барибир камлик қиляпти. Содо қарашимга кўра, “ҳуқуқий онг”, “ҳуқуқий билим” деган тушунчалар, агар уларнинг замирида ахлоқ ётмасе, ҳаётда тўлиқ намоён бўлмас экан. Мисол учун, мамлакатимиз собиқ прокурори пора олиш қонунан жиноят эканлигини билмасмиди? Унинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билими шу қадар пастмиди? Йўқ, у киши қонунни жуда яхши билар эди. Фақат ўз бурчига содиқликдан бурчдан йироқ эди.

Шарқ давлатларида мамлакатда юз бераётган муаммоларга асосан давлат бошлиғи ва юқори мансабдорлар сабабчи қилиб кўрсатилар экан. Аммо нима учун? Ҳар ишда мансабдорларни айблаш том маънода тўғрими? (Албатта, уларнинг шахсига боғлиқ жиноятлари бундан мустасно.) Йўқ, бу қараш мутлақо хато ҳамда мамлакатда муаммоларнинг юзага келишида амалдорларни деб ҳисоблай олмаймиз. Қайсидир китобда ўқигандим: АҚШда президент сайлови компанияси бошланади. Амалдаги президент ва унинг жамоаси асосий эътиборни сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларига қаратади. Қарангки, ушбу вазиятда мамлакат эгасиз қолгандек. Аммо ушбу ҳолат Америка жамиятининг ривожланишига ҳам, истиқболга ҳам заррача таъсир етмайди, чунки ҳамма ўз бурчини биледи, унга хиёнат қилиш эса энг ката хато. Хўш, бизда бирон-бир амалдорга пора таклиф қилаётган одам пора бериш жиноят эканлигини билмайди дейсизми ёки бирон-бир бинонинг қурилишини ўз бўйнига олган ташкилот қурилиш жараёнида цементнинг миқдордан кам ишлатилиши натижасида бино мустаҳкам бўлмаслигидан хабари йўқми? Албатта, бор. Нохуш ҳолатлар эса кўп ҳолларда ҳар бир киши ўз бурчини тўлиқ адо этибгина қолмай, бурчга садоқат тамойили асосида иш кўришни хоҳламаганидан келиб чиқади. Бурчга садоқати йўқ одам эса очкўзлик, му-

нофиқлик, коррупционерлик, одам ўлдириш ва бошқа жиноятларга қўл уришдан тап тортмайди...

Ушбу мулоҳазалар ҳақида гапира

“Бурч-мурчингни йиғиштир,



ИМКОН БОРИЧА ЮЛИБ ҚОЛ”

ёхуд “озод қилувчи ҳақиқатлар”

туриб, Драйзернинг “Америка фожиаси” асаридеги Клайднинг қилган ишлари ёдимга тушади. Воқеаларни сизга ҳам баён этсам: “Асардаги Клайд исмли қахрамон маишатга бериледи. Маишатбозлик эса унинг илк хатоларига замин ҳозирлайди: у машинада бир қизни уриб юбореди. Қамоққа тушишдан кўрққан йигит яшаб турган ерини ташлаб, шаҳарга кетишга аҳд қилади. Аммо ўспирин инсоний фожиалар ҳамиша “этаклашиб” юри-

танинг бир умрлик ҳамроҳига айлана олмайди. Чунки Клайднинг қалбида инсоннинг бахт-соадати бойликда, деган қараш ётади. Робертага бўлган интилиш эса муҳаббат эмас, шунчаки кўнгил майли эди. Чунки қиз унинг мезонларига тўғри келмасди. Сабаби эса оддий. Қиз қашшоқ, ахир. Орадан бир-мунча вақт ўтиб, Клайд ўзи излаб юрган ҳаёт — бадавлат ва соҳибжамол Сондра Финчлини топади. Сондранинг бойлиги эса унга ёрқин келажак йўлида қисматнинг бемаврид тухфаси — бахтиқаро Роберта турарди. Клайд ундан воз кечиши керак. Лекин қарангки, қиз ундан фарзанд кутаётган экан.

сига ружу қўйиб, бойлик, ҳирсга берилиши нафақат ўзига, балки атрофидагиларга ҳам зарар етказяпти. Айбни қилган ўзию, жабрини тортган бошқалар бўлди. Хўш нега шунақа? Чунки бир жамиятда яшаётган минглаб инсонларнинг босиб ўтаётган йўли, қилаётган яхшилигию ёмонлиги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бир одамнинг қилган хатоси касрига бутун жамият, ҳаттоки келажак ҳам жавоб бериши мумкин. Шу ўринда бир савол туғиледи. Клайд бойлик орттириш, бой-бадавлат яшашни орзу қилса, бунинг нимаси ёмон? Ушбу истак сиз-у бизда йўқми? Бор, бизда ҳам бой бўлиш истаги бор. Аммо ҳамма гап: орзу йўлида рўёби учун танланган йўлга боғлиқ экан. Клайд орзуга етишиш йўлини нотўғри белгилаб, истаги йўлида инсонийлик чегаларини ҳам бузиб ташлади. Бизнинг жамиятда Клайднинг йўлини тутаётганлар сони эса номаълум.

“Қойил-е, “тадбирли” кишилар экан”

Бундан бир неча ой олдин Жиззах вилояти ҳокими ўринбосарининг 3 йил ичида 12 миллиард сўм, 14 та хонадон, 43 та машина, 172 та дўкон ва 37 та бошқа кўчмас мулкка эга бўлгани ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқни “гуллатган” эди. Тармоқ ва сайтларда ҳамма қоғозга ўраб, ўрамай ўз фикрини билдирди. Тўғриси, бу хабарни ўқиб, “Қойил-е, “тадбирли” киши экан”, деълмайман. Инсоф ҳам керак экан одамга. Чекка-чекка қишлоқларда қанчадан қанча одам сувни бир-икки чақиримдан ташиб ичяпти-ю, баъзи амалдорларимизнинг нафс отига миниб, халқнинг пулига кўз олайтираётгани

куракда турмас. Сайтларнинг ёзишига қараганда, Жиззахдаги “ўмболоқ ошган” биноларнинг қурилишида ҳам ушбу юртдошимизнинг “аралашуви” бор эмиш... Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2020 йилни коррупцияга қарши курашиш йили дея эълон қилиб, 34 миллиард сўмни еб қўйгани; Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, метрополитен соҳасида кўплаб қонунбузилиш ҳолатлари содир этилиб, 2021 йилнинг май — июн ойларида Тошкент метрополитени УКда ўтказилган ўрганишлар натижасида, жами 650 та инсон омили билан боғлиқ камчилик топилган; Шунингдек, Тошкент халққа йўли ерости метрополитенида олиб борилган қурилиш ишларида 899 миллион сўм талон-торож қилингани; Олий ва ўрта таълим, қўйингки, мактабгача таълим соҳасининг коррупция ботқоғига ботгани;

Рўйхатни узоқ давом эттирса бўлади... Барча ҳолатда юртдошларимиз ўз бурчига, ўзига хиёнат қилган. Охир-оқибати нима бўляпти? Улар ҳам Клайдга ўхшаб жамиятдан қочиб юрибдими ёки жазосини оляптими? Албатта, жазосини оляпти. Лекин илдизчи, илдиз қурияптими? Савол эса чуқур ўйга толдиради: Нега бизда бурчга садоқат туйғуси шакланмаган? Айнан мана шу масала кўп давраларда муҳокамаларга сабаб бўлаётир. Бу хусусида кейинги мақолада сўз юритамиз.

Муроджон РАҲМАТОВ

Аслида, ёзувчи Робертанинг ўзини сувга чўктириб юбориши ва ана шу ҳолатда ҳам мудҳиш воқеа ўқувчини ҳаяжонга солиши мумкин эди. Аммо ёзувчи Робертани ҳомиладор ҳолига сувга чўктиради. Фожиа кўламини кенгайтириб, асар ғоясини янада кучайтиради. Очкўзлик нафақат соф инсоний муҳаббат тимсоли Робертани, балки унинг қорнидаги КЕЛАЖАКни ҳам ўлдирди...”

шидан ғофил бўлади. Ўша гап: қалбни қобилий иллат эгаллаб олса, ёмонликларнинг кети узилмайди. Шаҳарда Клайднинг бадавлат амакиси яшарди. Йигитча ўша фабрикага амакисини қора тортиб боради ва унинг фабрикасига ишга жойлашади. Клайд фабрикада Роберта Олден исмли қиз билан танишиб, маълум вақтдан сўнг ўрталарида муҳаббат пайдо бўлади. Аммо Клайд меҳнатсевар ва оқкўнгил Робертани

шу ҳолатда ҳам мудҳиш воқеа ўқувчини ҳаяжонга солиши мумкин эди. Аммо ёзувчи Робертани ҳомиладор ҳолига сувга чўктиради. Фожиа кўламини кенгайтириб, асар ғоясини янада кучайтиради. Очкўзлик нафақат соф инсоний муҳаббат тимсоли Робертани, балки унинг қорнидаги КЕЛАЖАКни ҳам ўлдирди...”

Кўряпмизки, бир кишининг ўз наф-

Истеъмолчиларни электр тармоқларига улаш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби белгиланди.

Ватанимиз истиқлолининг шонли 30 йиллиги халқимиз томонидан катта тантана билан нишонланди. “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”, деган эзгу даъват, улғу мақсадга йўғрилган шодиёналар барчамизнинг қалбимизга гурур-ифтихор бағишламоқда. Мустақиллик байрами тадбирида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ватанимиз мустақиллиги — биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси” мавзусидаги нутқи юртимиздаги янгиланиш ва юксалишларга мухтасар баҳо бўлиб янгради.

Бинобарин, мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларидаги ўзгаришлар халқимиз ҳаётидаги фаровонлик ва тинчлик-тотувликда намоён бўлаётган бўлса, илмий-маданий, диний-маърифий, таълим-тарбия соҳаларидаги туб ислохотлар самараси фарзандларимизнинг касб-хунар, спорт ва маданият жабҳаларидаги муваффақиятида ўз исботини топаётгани ҳақиқат.

Албатта, мустақил давлатимиз босиб ўтган ўзига хос мураккаб ва синовларга бой давр кўҳна тарих чархпалагида кўз очиб юмгунчалик фурсатга тенгланиши мумкин. Аммо истиқлолга эришиш, уни сақлаб қолиш ва мустақамлаш йўлида бедор орттирилган ҳар бир сония, ой ва йиллар, агар таъбир жоиз бўлса, она Ватанимизда яшаётган миллионлаб инсонлар тақдирларидаги эврилиш, ҳаётидаги юксалиш, фаровонлик ҳамда ёш авлод келажакнинг ёруғ истиқболларида асрларга татигулик бўлиши муқаррар.

Шу ўринда, Юртбошимизнинг: “Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳало-

кат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган ҳикматли сўзларини қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг соҳадаги фа-

олиятимиз мезонига айланди. Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса, бутун жамиятимиз ўзгаради”, деган фикрларида жуда катта юк, донишмандлик ҳикмати мужассам, десак муболага бўлмайди.

Дарҳақиқат, инсон илм-маърифат, маънавият орқалигина оламни англайди, ўзлигини танийди. Нафақат ўз тақдири балки, жамият эртасига дахлдор билиб яшаш илғор ташаббус ва гоёларга ундайди. Бунга “Илм Чин (Хитой)

да бўлса ҳам излаб, топиб эгаллангиз”, деган муборак ҳадиси шарифга бутун ҳаёти давомида риоя қилиб, илм-фаннинг барча соҳаларида доврўқ қозонган мутафаккир боболаримизнинг “Шарқ уйғониш даври”га тамал тошини қўйганлари ёрқин далилдир. Бугунги кунда ҳам Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Ҳафс Насафий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий каби не-не буюк мутафаккир боболаримиз ярат-

қабул қилинган Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига чуқур аҳамият қаратилса, ҳар қандай иқтисодий ривожланиш асосида, энг аввало, ИЛМ-МАЪРИФАТ устувор бўлишига эътибор қаратилгани намоён бўлади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “...таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса — бутун жамиятимиз ўзгаради”.

Шу нуқтаи назардан, ёш авлод камолоти, мамлакат тараққиётида таълим-тарбия, илм-маърифат соҳаси вакиллари ота-оналар, устоз-муаллимлар меҳнати, уларнинг фидойилиги катта аҳамият касб этади.

Фарзандларимизнинг келажакда баркамол инсон бўлиб етишиши, аввало, уларнинг ёшлигида олган одоб-ахлоқи ҳамда илм-маърифатига боғлиқдир. “Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир”, дейди донишманд халқимиз. Шу боис, ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун юртимизда бор куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Бунга муносиб бўлиш, имкониятдан самарали фойдаланиш эса шу юртни она Ватан билган ҳар бир ўғил-қиз, ёшу қари, умуман, барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Музаффар КОМИЛОВ,
Дин ишлари бўйича қўмита
раисининг биринчи ўринбосари**

ИНСОН ЎЗГАРМАСА...

ган бой илмий-маънавий мерос жаҳон цивилизациялари бебаҳо хазинаси сифатида ҳамон тадқиқ этилаётгани эса қалбимизда фахр, зиммамизга масъулият юклайди. Чунки улғу аждодлари номи ва шарафига муносиб бўлмоқ ёш авлоднинг азалий бурчидир.

Маълумки, 2021 йил юртимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”, дея номланди. Мазкур рамзий маънодаги йил номига мос равишда мамлакатимизда

бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

Рўйхатга олиш жараёни

Мазкур жараён уч босқичда амалга оширилади. Биринчиси, тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан икки ой муддатни ташкил этади. Сўнгги босқич қарийб уч йил давом этиб, олинган маълумотлар кодлаштириш ёрдамида таҳлил қилиниб, натижалар эълон қилинади.

Рўйхатга олиш жараёнида тўплана-

бўлиши шарт. Бу жараёнга жалб этиладиган ходимлар ҳар хил ёшда ва касбда бўлиши, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, статистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, таянч докторантлар бўлиши мумкин.

Ёши ва касбидан қатъий назар, аҳолини рўйхатга олувчилар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади ва зарурат туғилса, уларга қўшимча маслаҳатлар берилади. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар амалдаги ҳужжатларга, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ белгиланади. Жараёни давлат бюджети маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан, якуний маълумотларни уч тилда эълон қилиниши кўзда тутилган. Чора-тадбирлар дастурида аҳолини рўйхатга олиш натижаларини расмий чоп этиш, тарқатиш, ахборот билан таъминлаш ва эълон қилиш, аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки ва якуний маълумотларини архивда сақлашга тайёрлаш муддати 2025 йил 1 декабрга қадар, деб кўрсатилган. Яъни маълумотлар билан танишишнинг охириги чегара муддати белгиланган. Бироқ агарда тезкор фаолият юритилса, ушбу муддатдан олдин ҳам эълон қилиш имконияти мавжуд.

**Бахтиёр БОЙМУРОДОВ,
Тошкент шаҳар статистика
бошқармаси Аҳолини рўйхатга
олиш жараёнларини ташкил этиш
ва ўтказиш бўлими бошлиғи**

Жараён

Тасаввур қилинг, қўлингизда Ўзбекистон харитаси ва унга қараб, ҳудудларга доир бирламчи маълумотларни айтиш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистонда қанча аҳоли яшайди, Хоразмда бандлик масаласи қай аҳволда, Сурхондарёда нечта таълим муассасаси бор, Фарғона водийсида аҳоли зичлиги қандай ва шунга ўхшаш бошқа муҳим маълумотлар. Бироқ бундай юзаки ва тахминий кўрсаткичлар билан бугунги жадал ривожланиш ва ислохотлар даврида узоқни кўзлаб ниманидир режа қилиш қийин, албатта.

Аксинча, қўлимизда ҳар бир ҳудудга доир аниқ фактлар бўлса, режаларимиз ҳам, амалларимиз ҳам манзилли ва пухта бўлади. Айнан шунинг учун бизга бутун республикани қамраб оладиган ишончли маълумотлар керак ва улар тадрижий равишда янгиланиши шарт. Бундай аниқ ва яхлит маълумотлар эса аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади. Шунга қараб, ўтмиш ва бугун ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш ҳамда келажакни фарзлаш мумкин. Шунингдек, бу аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, оилавий ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумот олишнинг ягона манбаи ҳамдир.

Мустақиллик даврида бу жараён ўтказилмаган

Маълумки, БМТнинг 2015 йил 10 июндаги “2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш борасидаги принципалар ва тавсиялар” резолюцияси қабул қилинган ва унга асосан, БМТга аъзо давлатлар камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилган. Айни пайтда МДХ мамлакатларида бу жараёнга тайёргарлик бошланган.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари ҳали бирор марта бундай ҳисоб-китоб ишлари олиб борилмаган. Бундай санок сўнгги бор собиқ иттифоқ даврида, аниқроғи, 1989 йилда ўтказилган эди. Ҳолбуки, халқаро тажрибадан маълумки, кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш тадбири камида ҳар ўн йилда бир маротаба ташкиллаштирилиши анъанага айланган. Республикада ҳам энди ана шундай муҳим жараён йўлга қўйилади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш-


га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур тадбир нима беради?

Аҳоли сонини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган

демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади. Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

Ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли



ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ВОЗ КЕЧИШ ДАВРИ.. ёхуд аҳолини рўйхатга олиш хусусида

диган статистик маълумотлар ягона электрон ахборотлар тизимида киритилади. Яъни бундан бу ёғига қоғозбозликдан воз кечиш, замонавий технологияларни жорий этишга эътибор қаратилади.

Рўйхатга олувчиларни танлаш ҳам энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки маълумотларнинг тўғрилиги бевосита айни улар масъул бўлади ва шакллантирилган маълумотлар реал

Шерзод Ортиқов 1985 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. 2005 йилда Фарғона Политехника институтини тамомлаган. 2019 йилда республика миқёсида ўтказилган “Марварид ўлкам” адабий танловининг наср йўналишидаги ғолибларидан бири бўлган. 2020 йилда “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан “Куз симфонияси” номли илк муаллифлик китоби, 2021 йилда Бангладешда “World writers”, Мисрда “Asia sings” ва “Mediterranean Waves”, Ҳиндистонда “Emerging horizons”, Канадада “Healing through verses” номли антология китобларида инглиз тилида асарлари нашр қилинган.

Шерзод Ортиқовнинг “Куз симфонияси” номли илк китоби ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Мазкур китоб яқинда Куба давлатининг пойтахти Гавана шаҳридаги “Argos Iberoamericana Editorial” нашриёти томонидан инглиз ва испан тилларида чоп этилди. Бу нафақат ёзувчининг, балки ўзбек адабиётининг ҳам ютуғи, деб биламиз. Чунки бу мустақилликдан сўнг ўзбек ёзувчиларининг испан тилида чоп этилган биринчи китобидир. Ёш ёзувчи “Жамият” газетаси таҳририяти меҳмони бўлди.



— Мустақилликнинг адабиётга, ижод аҳлига берганлари, истиқлол имкониятлари айнан ўзингиз тақдирингиз, ижодингиз мисолида, қолаверса, ёш ижодкорлар ҳаётида қандай кўриниш берди?

— Мустақиллик биринчи навбатда ижодкорларга эркинлик берди. Қолаверса, қолипга тушиб ижод қилишдан қутқарди. Шўролар пайтида ҳар ўнта бадиий асардан етти ё саккизтаси ўша давр сиёсатини улуғлаш, бўяб-бежаш ва мадҳ этишдан иборат бўларди. Ҳозир ҳар ҳолда эрк бор, ижодкор ўзи танлаган мавзуда эмин-эркин ёзиб, китобини чоп эттиряпти ва жамиятда ўз мавқеига эга бўляпти. Буюртма асарлар камайган, ижодкор учун даврбоп асар ёзиши мажбурий эмас ва ҳеч ким тепасида “мана буни ёз” деб қамчи ушлаб тургани йўқ, уни ўз шахсий фикри, услуби ва позициясига эга бўлишига ҳам биров тўсқинлик қилмаяпти. Бу ҳам қайсидир маънода истиқлол шарофати билан деб ўйлайман.

Ёш ижодкорларга берилаётган имкониятлар ва эътибор ҳам аҳамиятга молик. Айни пайтда ўзбек адабиёти ўтган асрда қила олмаган иши-жаҳонга дадил чиқиб, ўз ўрнига ва “имиджи”га эга бўлиш учун дадил қадам ташляпти. Тўғриси, неча йиллардан бери ҳар йили октябрь келса, октябрнинг дастлабки ҳафтасида дилим хуфтон бўлади. Нобел мукофотининг навбатдаги лауреати Эълон қилинганда. Ўйлаб кўрсам, ўша лауреатлардан бизнинг сира кам еримиз йўқ. Фақат ўзбек адабиётининг четда тарғиботи кам, “имиджи” шакланмаган, ўзбек ижодкорлари халқаро майдонда фаол эмас. Адабиётимизнинг глобаллашуви рўй бермаяпти, миллий колорит унда устунлик қияпти. Назаримда шу бизнинг бош камчилигимиз. Маълум бир миллат адабиёти жаҳонни

забт этиши учун у глобаллашиши лозим, шунда тараққий этади. Қобикни ичидан туриб, унга тараққийёт улашилмайди.

Шахсан мен учун қувонарлиси, сўнгги пайтларда сараланган ёш ўзбек ижодкорлари хорижда кўп кўриниш беришни бошлашди. Мен ҳам имкон қадар ўзбек адабиётини хорижда олиб чиқиш учун қўлимдан келганини қиялпман ва ўйлашимча, йигирма биринчи асрнинг учинчи ўн йиллиги охирига бориб, замонавий адабиётимизнинг жаҳон саҳнасида “имиджи” шаклланиб улгуради ва ҳар бир миллат адиблари ўзбек адиблари билан ҳисоблашишга мажбур бўлишади. Ҳар ҳолда, шунга умид қиламан ва шуни илинжи юрагимда сўнамасдан яшайди.

Гулруҳбегим ОДАШБОЕВА
сўхбатлашди.

— Шундай асарлар бор, йиллар ва замонлар оша сеvimли ва қадрли бўлиб қолаверади. Яна айрим ёзувчилар бор, ёзганлари биргина китоб ҳолида чоп этилган бўйи қолиб кетади. Сизнингча, бу мавзуга боғлиқми ёки маҳоратга?

— Менимча, бу мавзуга ҳам, маҳоратга ҳам боғлиқ. Мисол учун, Шўролар даврида бизда қанчадан қанча насрий ва назмий асарлар яратилди. Уларнинг барчаси ҳам вақт синовидан ўтдими? Албатта, йўқ. Ўзбек адабиёти мисолида бу кўпроқ танланган мавзу ўлароқ шундай бўлди. Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубовларнинг ҳозирда асосан тарихий романларини китобхонлар мутолаа қилишяпти. Уларни ўша давр ижтимоий руҳи уфуриб турган асарлари эса вақт синовидан ўтмаган. Улар яратган ва ҳозир унутилган — “Уч илдиз”, “Қора кўзлар” ёки “Оқ қушлар, оппоқ қушлар” каби романлар даврий асарлар эди, уларнинг мавзуси долзарблиги жиҳатидан ўша пайтдаги сиёсат даражасига олиб чиқилган мавзуларни ўз ичига олганди. Вақт ўтиб, мазкур мавзулар ўз аҳамиятини йўқотгач, уларга бағишланган асарлар ҳам ўз қадр-қийматини йўқотди. Асосан ўлмас мавзуларда яратилган Абдулла Қодирий ёки Чўлпоннинг асарлари эса ҳали-ҳануз ўқияпти, эскирмаган ва эскирмайди ҳам. Бунга жаҳон адабиёти мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Дейлик, рус адабиётида Лев Толстой ёки Достоевскийнинг деярли барча асарлари ўз мавзуси билан йигирма биринчи аср одамани ҳам жалб қияпти. Йигирма иккинчи аср одамани ҳам эътиборидан четда қолмаслигига юз фоиз ишонаман. Улар билан замондош бўлган Чернишевскийни эса деярли ҳеч ким ўқимай қўйган, чунки унинг асарлари ўзи яшаган даврга “лаббай” қабилида ва бир чақириқ ёки чорлов тарзида ёзилган асарлар бўлган. Улар мўлжалланган

давр интиҳо топгач, уларнинг ҳам умрлари ўз поёнига етган.

Иккинчидан, бу ҳолат маҳоратга ҳам боғлиқ. Мисол учун, “Бузрукнинг кузи” асарини оладиган бўлсак, уни Гарсия Маркесдан бўлак ҳеч ким ёза олмасди. Маромига етказиб демоқчиман. “Уруш ва Тинчлик”ни эса Лев Толстойчалик бирор бир

сири бўлса ҳам оз миқдорда бўлиши мумкин. Ёзувчи яхши асар яратиши учун замон, шунингдек маконнинг таъсиридан холи бўлиши лозим. Шахсий фикрим бу, албатта. Аммо менга шундай туюлаверади. Бунга ўтмишда яшаб, ижод қилган кўплаб ёзувчиларни мисол қилиб кўрсатишим мумкин. Масалан, америкалик



адиб ёза олмаган бўларди. Ёзувчининг маҳорати ҳам қайсидир маънода асарнинг узоқ йиллар яшаб қолишига замин ҳозирлайди. Аммо шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардим. Қачонки, ёзувчи қалби буюрганини ёзагина унинг маҳорати кўзга ташланади. Буюртма қилинган ёки қисқа-қисқа давр оралиқларига тааллуқли мавзуларда қалам тебратса, маҳорати кўзга ташланмайди, у биқиқликда бўғилади ва минг истеъдодли бўлса ҳам Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи ўша адиб ўтин ёришдан у ёғига ўтмайди. Маҳорат ҳам қайсидир маънода эркинликни ёқтиради ва эркинликда гуллаб-яшнамайди. Бундай шароитда яратилган асарлар эса замонлар оша узоқ яшайди, акси бўлса, дарров унутилиб кетади.

— Адабиётга, ёзувчига, умуман яхши асар яратилишига ижодкор яшаб турган замоннинг таъсири бор, деб ўйлайсизми?

— Замоннинг таъсири йўқ. Таъ-

адиб Уильям Фолкнерни оладиган бўлсак, у ўзи яшаган замон ва маконга унинг ичидан эмас, ташқарисидан назар солган. Унинг ижодида ирқчилик мавзуси муҳим роль ўйнайди. Деярли барча асарлари шу ўлмас мавзуда. Агарда унда замоннинг таъсири сезилганда эди, у ҳам ўша пайтдаги Америкадаги капиталистик режим ва ундаги дунёқарашидан кўра моддияти кўпроқ ўзгарган инсонлар ҳақида ёзиб ташлаган бўларди. Гарсия Маркес ижодида эса инсон ёлғизлиги муҳим ўрин тутди. Бу ҳам адибнинг ўзи яшаб турган замоннинг таъсирига тушиб қолмай, унга четдан назар солганига гувоҳ беради. Ёзувчи замоннинг таъсирига тушиб қолдими, тамом, буюртма ёки даврбоп асарлар яратишга шўнғиб кетади. Замон таъсирига тушиб қолинганда яхши ва умрбоқий асарлар яратилмайди. Уларни яратиш учун замон таъсирига берилмаслик лозим бўлади.

Барча жонзотлар ичра энг қудратлиси Инсондир, зеро унга тафаккур қобилияти ато этилган. Бироқ бу бебаҳо хислат яратувчилик, эзгуликка ҳам, вайронкорлик, бузғунчиликка ҳам хизмат қилиши мумкин. Ҳаёт мазмунини инсоннинг ўзи бойитади ёки қашшоқликка маҳкум этади.

Инсон комилликка интилиши, катта мақсад ва орзулар билан яшаш, ҳазрат Навоий айтганидек, “эл ғамини” ўз ғами деб билиши, ёхуд майдалашиб, ўз ҳузур-ҳаловатидан бошқасини ўйламаслиги, жамиятдаги жараёнларга лоқайд, бепарқ умргузаронлик қилиши — ўзининг танловидир. Лекин гап фақат яшаш тарзидагина эмас, танловнинг атрофдагилар, умуман, жамиятга таъсири ҳақида ўйлаб кўрайлик. Майдагап, фаолиятсиз, ҳар бир нарсадан кир қидирадиган одамнинг буюк мақсади, келажакка ишончи, чиройли орзуларга интилиб яшаш туйғуси бўлмайди. Агар бу кайфиятни бошқаларга ҳам юқтираверса, жамият таназулга учраши ҳеч гап эмас. Бу нафақат унинг, балки жамиятнинг фожиаси бўлади.

Ҳаётда инсоннинг эзгулик йўлида қилган ҳар бир яхши амаллари халқимизда савоб дейилади, бу эса унинг маънавий юксаклиги, кенг тафаккури, интеллектуал салоҳияти, эзгу қарашларига боғлиқдир. Маърифатдан узоқлашиб эса одам онгининг тобора қашшоқлашиб, фикр доирасининг торайиб боришига олиб келади. Мана шундай фикри тор инсонлар жамиятда бўлаётган туб ислоҳотларга гўёки ўз наздида баҳо берар экан, юзсизларча барча жараёнга лой чаплайверади, ҳаммани танқид остига олаверади.

Таассуфки, биз ўқимай кўйдик. Улкан меросимиз, бой хазинамизни, минг афсуски, аксарият ёшларимиз чуқур билмайди. Ваҳоланки, буюк алломаларимиз ҳам ўз таълимоти, фикрини асослашда диний ва дунёвий қадриятлар, илмий ютуқлар, билим ва тажрибага таянган ҳолда хулоса чиқарганлар. Халқимиз шоири “алиф ҳам чиқмайди қорнини тилсанг, ҳаммани ўзига ўхшатади у” дея таърифлаган жоҳил инсонларнинг ижтимоий тармоқлардаги фикрларини ўқиркансан, фикрлашдаги саёзлик, тафаккурнинг торлиги яна шу илмсизлик меваси эканлигидан ташвишга тушасан.

Ҳўш, бундай инсонларнинг ўзлари дунёга нима учун келганлари, яшайдан мақсадлари, атрофдагиларга бўлган муноса-

батларида зигирча бўлса ҳам ахлоқий, ҳуқуқий мезонларга таяниб ҳукм чиқараётганлари тўғрисида мулоҳаза қилармикан? Лоқал бир марта бўлса ҳам, инсон ўзига шу саволни берганда эди, билим ҳамда диний, маънавий, миллий қадриятларга таянган ҳолда хулоса чиқарган бўларди. Ахир ўзбек миллатига хос бағрикенглик, мулоҳазакорлик, инсонпарварлик, андишаллиги, ҳурмат, ўйлаб гапириш бунинг барчаси юксак тафаккур белгисидир.

Жамиятни фақат биргаликда тараққий этириб, олға силжитиш мумкин. Ҳамжиҳатлик, аҳиллик, муштарақлик, бирдамлик билан эзгу мақсадга эришилади. Баландпарвоз, сийқаси чиққандек туюлса-да, бир фикрни айтишни жоиз деб билдим: ҳар бир инсон жамиятдаги жараёнга худбинларча, ўз манфаатидан келиб чиқиб, баҳо беришга ҳақли эмас. Буюк Амир Темури ёзади: “... бу мартабада туриб халққа етказётган ёрдамнинг ва нафинг, сен қилган бутун ишларинг-у ҳаракатларингнинг энг олийсидир”.



Яна шуни эшитдимки, ҳазрати пайгамбаримиздан, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, сўрабдилар: “Агар сиз набий ва расул этиб юборилмаганингизда, қайси иш билан машғул бўлардингиз?” Улар шундай деб жавоб берган эканлар: “Султонлар хизматида бўлишни ихтиёр этиб, Тангри таолонинг бандаларига фойда ва яхшилик етказардим.”

Шундай экан, жамиятимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга бепарқ томошабин бўлиб туришга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

Жамиятимиз демократик ислоҳотлар жараёнида улкан ўзгаришлар силсиласида яшайпти. Сайловлар энг муҳим демократик жараён. Чунки бизнинг қароримиз, овоз бериш ҳуқуқимиз ва ҳақиқий фуқаролик позициямизнинг мавжудлигини кўрсатувчи жараён. Бугунги жамиятимизда биз сайловларга муҳим аҳамият берамиз, зеро демократиянинг асосий хусусиятлари сайловда амалга оширилади ва одамлар келажакдаги сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиш учун муносиб номзодни қўллаб-қувватлайди. Демократияни келажак авлод учун ҳам сақлаб қолишимиз зиммамиздаги олий бурчимиздир. Шу маънода юртимизнинг келажакдаги овоз бериш фуқаролик туйғуси, давлатимизга бўлган ҳурмат, боринги, ватанпарварлик ва масъулиятни намоён этишдир. Зеро, сайлов келажак учун масъулиятдир.

Инсоният тарихида минг йиллар давомида юрт аҳолиси ўз ҳукмдорлари, раҳбарларини сайлашда иштирок эта олмаган. Замонавий тарихда кўплаб тараққий этган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат раҳбари умумий овоз бериш йўли билан сайланади. Ва давлат раҳбари сайловларида иштирок этиш ҳар бир мамлакат фуқаросининг вазифасидир.

Ишончим комилки, ҳар бир ўзини ва ўз мамлакатини ҳурмат қилган фуқаро бутун юртимиз тақдири ва келажакини белгиловчи тадбирларда албатта иштирок этади. Ота-боболардан мерос юртни, уларнинг омонатини, фарзандлар ва набиралар тақдирини бепарқ бўлмасдан, келажак авлодга муносиб етказиш учун ҳам сайловларда иштирок этишимиз зарур.

Бу сиёсат бизга тааллуқли эмас, бизнинг овозимиз ҳеч нимани ҳал қилмайди, деб ўйлаётганлар нафақат лоқайдлик, бепарқлик, балки бузғунчилик кайфиятини тарқатиб, жамиятимиздаги янгиликларга, ўзгаришларга ўзи билмаган ҳолда гов бўлади. Ахир бу юрт унинг авлодларининг ҳам ватани эмасми? Оддийгина фалсафа: дунё ёруғ бўлишини истасанг, уйингда чироқ ёқ, дейди халқимиз. Шундай экан, ҳар биримиз гарданимиздаги масъулиятни унутмайлик.

Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА,
Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети
ўзбек ва рус тиллари кафедраси муdiri

ТАЪЛИМ ЛАЁҚАТСИЗЛИК БИЛАН ҲИСОБЛАШМАЙДИ!

Таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда улкан ишлар амалга ошириляпти. Президентимизнинг ушбу тизимга оид фармон ва қарорлари қабул қилиниб, соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустақкамланмоқда.

Келинг, гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун сўнгги 5 йил мобайнида таълимда юз бераётган ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини мактабимиз мисолида таҳлил этамиз.

450 нафар ўқувчига мўлжалланган мактабимиз биноси 1993 йилда қурилган. 2014 йилда қайта реконструкция қилинган эди. Шу йили замонавий спорт зали ҳам барпо этилди. Йиллар ўтиб, ўқувчилар сони ошиши натижасида синфхоналарининг етишмаслиги таълим жараёнида анчагина мураккабликларни келтириб чиқарди. Шу боис, 2018 йилда 360 нафар ўқувчига мўлжалланган кўшимча бино қурилганди.

Фаолиятимиз 1993 йилда мазкур мактабда бошланганман. Ўша вақтлар СамДУнинг кечки бўлимида таҳсил олардим. Кутубхоначи ва ўқитувчи лавозимларида ишладим. 2015 йилдан маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият юритяпман. Ўқувчилар қизиқишларидан келиб чиқиб, мактабимизда ташкил этилган “Ёш расм”, “Моҳир қўллар”, “Адабиёт ва санъат” каби турли тўғарақларда қатнашмоқда. Дарвоқе, мактабимиз спортнинг шахмат тури бўйича ихтисослашган. Шу сабабдан, спортнинг ушбу турига эътибор катта. Бошлангич синф ўқувчиларимиз шаҳар ҳамда вилоят мактаблари ўртасида ўтказилган бир неча мусобақаларда ғолиб бўлишган.

Бундан ташқари, 2018 йилда ўтказилган “Баҳор ифори” рақс кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида ўқувчи қизларимиз юқори натижани қайд этишди. Мактабимизнинг кўзга кўринган, илмли, изланувчан ўқувчиси Жавоншер Рашидовнинг эришган

ютуқлари тўғрисида алоҳида гапириш мумкин. Жавоншер 2018 йил “Экология болалар нигоҳида” фестивалининг таъсирли санъат йўналиши бўйича вилоят босқичида 3-ўрин, “Youth techno art – 2018” танловининг “Роботатехника” йўналишида фахрли 2-ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, 2019 йил “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” лойиҳаси доирасида ўтказилган “Ўзбекистон ёшлар нигоҳида” расмлар танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, Республика миқёсида ўтказилган танловда 3- даражали диплом билан тақдирланган.

Яна бир истеъдодли, фаол ўқувчиларимиздан бири Дониёр Ахтамов Туркиянинг Анталия шаҳрида ёшлар ўртасида ташкил этилган спортнинг муайтай йўналиши бўйича олтин медални қўлга киритди. Мактабимиздан жаҳон чемпиони этишиб чиққани барчамизни бирдек хурсанд қилди.

Булар сўнгги уч-тўрт йилда эришган ютуқларимизнинг бир қисми, холос. Шу ўринда, шаҳар ва вилоят миқёсидаги кўплаб спорт мусобақалари, фан олимпиадалари ва яна бир неча тадбирларда ўқувчиларимиз фаол иштирок этишаётганини, айниқса, бу ҳаракатнинг кейинги йиллар — Янги Ўзбекистон деб юритилаётган даврга янада кучайганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан олға сурил-



ган беш ташаббус ёшларимизнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Ташаббуслар ёшларимизни кўзланган мақсадлар сари бошлади, барча жабҳаларда эришилиши лозим бўлган муваффақиятлар йўлини кўрсатади.

Айтиш керакки, 2019 йилга келиб, мамлакатимизда халқ таълимидаги ишлар қайта жонланди, жойларда янги таълим муассасалари бунёд этиш, уларда ўқитувчи ва ўқувчилар учун етарли шароитлар яратишга киришилди. Том маънода ўқитувчининг қадри ошмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда халқ таълими тизими ривожига янги босқичга ўтиш жараёни кечмоқда. Соҳада амалга ошириляётган ислоҳотлар натижасини жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш билан кузатмоқда. Бундай ўзгаришлар билан ҳамма ҳам бундай улуғ мақсадларда халқимизнинг азалий орзулари, истаклари мужассамдир. Чунки таълим лаёқатсизлик билан ҳисоблашмайди.

Гуландом САЛОМОВА,
Самарқанд шаҳридаги
59-умумтаълим мактаби директорининг
маънавий-маърифий ишлари бўйича
ўринбосари



Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон
Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат
бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати
— Ўзбекистон Либерал-
демократик партияси.

Ўзбекистон экологик
ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат
нотижорат ташкилотлари
миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Адҳам Бекмуродов
Акмал Саидов
Ақтам Ҳайитов
Нарзулло Обломуродов
Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-508

Адади: 2016.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Дилбар Маҳмудова

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

ЎзА якуни:
Топширилган вақти: 17:05
1 2 3 4 5 6

**ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҲ!**

Айрим талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти хориждаги муассасаларда ташкил этилади.



“ҚОҒОЗДАГИ РЕЖАЛАР АМАЛДАГИ ИШЛАРГА МУНОСИБ БЎЛСИН!”

Мамлакатимизда ветеринария хизматини тубдан ислоҳ қилиш, соҳани янги босқичга олиб чиқишга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш юзасидан қирққа яқин қарор ва фармонлар қабул қилинди. 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мустақамланиб бормоқда. Ветеринария ва чорвачилик соҳаси бўйича ҳар бир жараённи такомиллаштиришда, энг аввало, рақамлаштириш, инсон омилини максимал даражада қисқартириш ва шаффоф тизим яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, ветеринария соҳасига ахборот тизимларини жорий этиш бўйича “VIS” ахборот платформасини яратиш бўйича мақсадли режа қабул қилинди. Ушбу платформада 20 га яқин ахборот тизимларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бугунга қадар ахборот тизимларининг 9 таси амалиётга жорий қилинди.

— Ветеринария хизматлари кўрсатилишини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги “Ветеринария фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори қабул қилинган эди, - дейди Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Алишер Сафаров. — Қарор билан Ветеринария фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Шунингдек, VIS-LICENSE — давлат хизматларини кўрсатиш учун электрон ҳужжат алмашишни таъминловчи ветеринария фаолиятини лицензиялаш ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ва бу ахборот тизимида ветеринария хизмати кўрсатувчилар реестри шакллантирилмоқда. Мақсадимиз шуки, қоғоздаги режалар амалдаги ишларга муносиб бўлсин.



Шунингдек, мамлакатимизда қушхоналар фаолиятини тартибга солиш, фермер хўжаликлари ва уй шароитида сўйишни камайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Аҳолини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 майдаги “Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш ҳамда истеъмол бозорига гўшт ва гўшт маҳсулотларини етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари учун ветеринария, ветеринария-санитария норма ва қоидалари, ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хомашёларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш бўйича ветеринария-санитария норма ва қоидалари, республика ҳудудларида ҳайвонларни сўйиш ва терига бирламчи ишлов бериш бўйича ташкил этиладиган автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган чорва молларини сўйиш бўйича ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари ташкил этиш параметрлари тасдиқланиб, бугунги кунгача бундай ихтисослашган сўйиш корхоналари сони 100 дан ошган.

Тижорат мақсадларида ҳайвон-

ларни уй шароитларида сўйиш тақиқланиб, фақатгина ихтисослашган сўйиш корхоналарида сўйиш белгиланди. Шунингдек, ВИС-БИЛЛУР — Ветеринария-санитария жиҳатидан хавфсизлиги кафолатланган сўйилган ҳайвон гўшларининг ягона электрон маълумотлар базаси ахборот тизими яратилиб, айна пайтда Жиззаҳ вилоятида тажриба-синнов тариқасида ишга туширилди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимизда ҳайвонларни идентификация қилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунда энг аввало, Халқаро эпизоотик бюронинг мустақил экспертларини жалб қилган ҳолда “Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларни идентификация қилиш тизимини жорий этиш методологияси” ишлаб чиқилди ва бу методология асосида ишлар ташкил этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тарти-

Эътиборли жиҳати шундаки, ветеринария лабораториялари фаолияти ҳам тубдан такомиллаштирилмоқда. Жумладан, Қўмита тасарруфидаги Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази ҳамда Ветеринария дори воситалари, озуқабоп кўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий маркази Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитация тизимида ISO 17025:2007 стандарти талабларига мувофиқ аккредитациядан ўтказилди.

Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп кўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий марказида сертификатлаштириш органи ташкил этилиб, мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш йўлга қўйилди. VIS-SAYYOR— Лаборатория текширувлари ягона электрон маълумотлар базаси ахборот тизимининг техник шартлари ишлаб чиқилиб, ахборот тизими яратилмоқда.

Қолаверса, ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ва эпизоотик барқарорликни таъминлаш ҳамда моддий-техник базани мустақамлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатда ветеринария хизматини ривожлантириш учун Жаҳон банкининг 2 миллион доллар ва Европа иттифоқининг 2 миллион доллар грант маблағлари ажратилди.

Мазкур грантлар доирасида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир вилоят учун 1 тадан ветеринария назорати остидаги объектларни дезинфекция ва дезинсекция қилувчи махсус автотранспорт (ДУК), совиткичли автомобиллар (авторефрижатор), 25 та замонавий видеоконференцалоқа жиҳозлари, мингдан ортиқ автомат шприц ҳамда 24 та чегара ветеринария назорати пунктига замонавий лаборатор экспресс-анализаторлар (овоскоп, РН-метр, термометр, лактан), крематорийлар жойларга етказиб берилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Идентификация қилинган ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотларни сақловчи ВИС-ЧИНОР ягона электрон маълумотлар базаси яратилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда ВИС-ЧИНОР ахборот тизимида чорвачилик хўжаликларига тегишли бўлган 160 мингдан ортиқ идентификация қилинган ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотлар киритилиб, бу ишлар доимий равишда давом эттирилмоқда.

бини такомиллаштириш тўғрисида” ги қарори билан ҳайвонларни идентификация қилиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Республика ҳудудида фойдаланиладиган идентификация атрибутлари, шу жумладан, қулоқ биркалари стандартлари тасдиқланди.

Идентификация қилинган ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотларни сақловчи ВИС-ЧИНОР ягона электрон маълумотлар базаси яратилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда ВИС-ЧИНОР ахборот тизимида чорвачилик хўжаликларига тегишли бўлган 160 мингдан ортиқ идентификация қилинган ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотлар киритилиб, бу ишлар доимий равишда давом эттирилмоқда.